
Навбатдаги учрашувда фурқатлик ёшларнинг таклиф ва муаммолари эшитилди

Фурқат туманида ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш борасидаги ишлар натижадорлигини янада ошириш, ёшлар билан ишлаш, уларнинг таклиф ва муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг масъул ўринбосарлари иштирокида учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Учрашувдан кўзланган асосий мақсад ёшларни қизиқтирган масалалар, ўйлантираётган муаммоларга ижобий ечим топиш этиб белгилаб олинган.

Навбатдаги “Ҳоким ва ёшлар” учрашувида ҳам ёш авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

2024-08-09 14:48:36